Insonga naf keltirish — oliy baxt!

# Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2013-yil 8-oktabr, seshanba № 123 (3316)

## Давра суҳбати

**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан 7 октябр — Бутунжаҳон муносиб меҳнат кунига бағишланган давра суҳбати ўтказилди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирлик, идора ва ташкилотлар раҳбарлари, Халқаро меҳнат ташкилоти эксперти, касаба уюшма фаоллари иштирок этди.**

# Муносиб меҳнат — муносиб ҳаёт асоси

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси Танзила Нарбаева тадбирни очар экан, ХМТ аъзоси ҳисобланган мамлакатимизда муносиб меҳнат тамойилларининг тўлиқ таъминланишига алоҳида эътибор қаратилиб, меҳнат кишилари ижтимоий ҳимоясини кучайтириш борасида тизимли ишлар амалга оширилаётганини қайд этди.

Хусусан, Ўзбекистон томонидан ХМТнинг 13 та конвенцияси ратификация қилинган ва уларнинг ижросини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар ҳаётга татбиқ этилаяпти. Таъкидлаш зарурки, юртимизда ҳукумат, касаба уюшмалари ва иш берувчилар томонидан Муносиб меҳнат концепциясини амалга оширишга алоҳида аҳамият қаратилган. Бунда, Президентимиз Ислом Каримов томонидан таклиф этилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси дастуруламал бўлиб хизмат қилмоқда. Хусусан, меҳнат ва ижтимоий масалаларга оид қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ишларида касаба уюшмаларининг фаол иштироки таъминланган бўлиб, бандлик соҳаси ва меҳнат муносабатларини янада либераллаштириш, касаба уюшмалари фаолиятини тизимли ташкил этиш, ижтимоий шериклик ва жамоатчилик назорати тизимлари барқарорлиги таъминланишини назарда тутувчи янги қонун ҳужжатларини яратиш ва амалдагиларини такомиллаштириш юзасидан иш олиб борилаётир.

Давра суҳбатида Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси аъзоси Н.Айтжанованинг «Меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш борасида олиб борилаётган ишлар», Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг биринчи ўринбосари Б.Алимуҳамедовнинг «Ўзбекистон ва Халқаро меҳнат ташкилотининг муносиб меҳнат концепцияси бўйича ҳамкорлиги», ЎзКУФК раиси ўринбосари Б.Махмадалиевнинг «Муносиб меҳнат концепциясини амалга оширишда касаба уюшмаларининг фаолияти», Савдо-саноат палатаси вакили У.Эрназаровнинг «Иш берувчиларнинг ижтимоий масъулияти асослари» ҳамда Халқаро меҳнат ташкилоти эксперти А.Яфаевнинг «Глобал компакт» ва Халқаро меҳнат ташкилотининг Муносиб меҳнат концепцияси бўйича маърузалари тингланди. Давра суҳбатида кўтарилган долзарб масалар юзасидан иштирокчилар томонидан қизғин фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Тадбир доирасида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан ўтказилган «Меҳнатни муҳофаза қилиш ишларини ташкил этиш бўйича энг яхши корхона» республика кўрик-танлови ғолибларига диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

*(Давра суҳбати ҳақидаги тўлиқ тафсилотлар газетамизнинг навбатдаги сонида эътиборингизга ҳавола этилади).*

**Ўз мухбиримиз**



# Модернизация самараси

**Фарғона вилояти Қува туманидаги йирик қандолатчилик фабрикаси бозор иқтисодиёти талабларига жавоб бера олмай, банкротлик ёқасига келиб қолган эди. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки мазкур корхонани молиявий соғломлаштириш учун 10 миллиард сўм миқдорида сармоя киритди.**

Маблағ корхонани таъмирлаш, қўшимча иншоотлар қуриш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, шунингдек, замонавий асбоб-ускуналар сотиб олишга сарфланди. «Қува қандолатлари» масъулияти чекланган жамияти тўлиқ янгилангач, йигирмага яқин турда қандолат ва печенье маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Ҳозир Германия ва Италиядан келтирилган дастгоҳларни ўрнатиш ишлари ниҳоясига етказилмоқда. Синов тариқасида тайёрланган маҳсулотнинг дастлабки қисми Фарғона ва Марғилон шаҳарларидаги савдо дўконларига жўнатилди. Бежирим қоғозларга қадоқланган ширинликлар нафақат кўриниши, балки мазаси билан ҳам дарҳол харидорлар эътиборини тортди. Иқтисодий соғломлаштириш дастури доирасида фаолияти қайта тикланган корхонада элликта қўшимча иш ўрни яратилди. Уларга асосан хотин-қизлар жалб этилди.

***Суратларда:*** *корхона ишчилари Гулноза Ҳайдарова, Дилафрўз Зокирова.*

**Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган суратлар**

## Янгиликлар оқимидан

### НАМАНГАН

**Наманган туманида фаолият кўрсатаётган масъулияти чекланган жамияти шаклидаги «Тошбулоқ-Текс» корхонасида маҳаллий хомашё — пахта толасидан калава ип тайёрланади. Германиядан келтирилган замонавий технологиялар билан жиҳозланган корхона бир кеча-кундузда 16-18 тонна пахта толасини қайта ишлаш қувватига эга.**

### ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИ ОРТМОҚДА

— Биз ишлаб чиқараётган маҳсулотга, айниқса, ташқи бозорда талаб ортмоқда, — дейди корхона раҳбари Тўлқин Баротов. — Маҳсулотимизнинг 83 фоиздан зиёди экспорт қилинаётгани ҳам бу фикрни исботлайди. Жорий йилнинг ўтган даврида қарийб 4 миллион 600 минг долларлик маҳсулот ташқи бозорга сотилди. Янги бизнес лойиҳалари асосида ишлаб чиқариш ҳажмини янада оширишни режалаштирмоқдамиз.

**ЎзА**

### БУХОРО

**Бухоро вилояти марказида ташкил этилган меҳнат ярмаркаси коллеж битирувчилари ва вақтинчалик ишсиз бўлган аҳоли учун қўл келди.**

### ЯРМАРКА ҚЎЛ КЕЛДИ

Вилоят ҳокимлиги, прокуратураси, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси ва қатор ташкилотлар ҳамкорлигида уюштирилган тадбирда икки юз элликка яқин корхона, ташкилот ва муассасалар 2993 та бўш ўрин билан қатнашди. Кичик бизнес субъектлари, ўнлаб ҳунармандчилик корхоналари маҳсулотлари кўргазмаси эса узукка кўз қўйгандек бўлди. Пировардида, шаҳар ва туманлардаги бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари томонидан касб-ҳунар коллежларининг 155 нафар, вақтинча ишсиз ёшларининг 231 нафарига доимий ишга йўлланма берилди.

Тадбирда иштирок этганларнинг салкам 1,5 минг нафари меҳнат қонунчилигига доир ҳуқуқий маслаҳат олди.

**И. ҲОЖИЕВ**

### САМАРҚАНД

**Вилоятда таълим-тарбия масканларини бунёд этиш, қайта жиҳозлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.**

### БОЛАЛАР УЧУН

Жорий йилнинг шу даврига қадар мавжуд мактабларнинг 63 таси капитал реконструкция қилиниб, 15 таси капитал таъмирдан чиқарилди. 4 та мусиқа ва санъат мактаби бинолари ҳамда 7 та болалар спортини ривожлантиришга мўлжалланган спорт заллари ва майдончалари янгитдан бунёд этилди. 17 та касб-ҳунар коллежи ва академик лицейлар қайта таъмирланиб, реконструкция қилинди.

**Самарқанд шаҳридаги «Хўжағунжойиш» маҳалласида ташкил этилган «Сифатли макарон» оилавий корхонасининг иш бошлаганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ.**

### ОИЛАВИЙ КОРХОНА ЮТУҒИ

Тадбиркор Иноятулла Шукуров бошчилигидаги оилавий корхонада етти турдаги макарон маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.

**Нурилла ШАМСИЕВ, «Ishonch» мухбири**

## Эътироф

**Мамлакатимизнинг нефт ва газ саноатида муносиб ўринга эга «Муборакнефтгаз» унитар шўъба корхонасида 4600 нафарга яқин ходим меҳнат қилади. Корхонада ишнинг тўғри йўлга қўйилгани, ходимларга қулай меҳнат шароити яратилгани туфайли ишлаб чиқаришда ютуқларга эришиляпти. Қуйида қирқ йилдан ошиқроқ тарихга эга корхона маъмуриятининг касаба уюшма қўмитаси билан ҳамкорликда амалга ошираётган ишларига мухтасар тўхталамиз.**

# «Муборакнефтгаз» — Обод турмуш йилида

**ЖАМОА ШАРТНОМАСИ — УСТУВОР ҲУЖЖАТ**

Обод турмуш... Корхонадаги ҳар бир ходимнинг фаровон турмуш кечириши учун барча шароит муҳайё. Ишга махсус ажратилган автобусда қатнашади. Ишчилар гигиена ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланади. Шунингдек, меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги тадбирлари мунтазам ўтказилиб, ушбу йўналишда ҳар йили ўтадиган кўрик-танлов ғолиблари рағбатлантириб борилади.

Бундан ташқари, ходимлар тиббий кўрикдан ўтказилиб, зарур муолажалар қилинади. Цех, кон ва мажмуаларда тиббий бўлимлар ишлаб турибди, ҳар бирида «Тез тиббий ёрдам» машинаси шай.

Бевосита, ижтимоий ҳимоя тадбирларига тўхталсак, кам таъминланган ҳамда ишлаб чиқаришда фаоллик кўрсатган ходимлар доимий эътиборда. Анъанага кўра, бу йил ҳам байрамлар арафасида барча ишчи-хизматчиларга мукофот пуллари берилди. Байрам саналарининг мазмун-моҳиятини ўзида мужассам этган турли маънавий-маърифий тадбирлар уюштириш, элимиз ардоғидаги инсонлар билан учрашувлар ўтказиш ҳам режа асосида ташкил этилмоқда.

Хусусан, мустақиллигимизнинг 22 йиллик байрами тантаналари кам таъминланган 50 нафар ходим фарзандларининг суннат тўйларига уланиб кетди. Тўй болалар ҳамда юбилей ёшига етган фахрийларга қимматбаҳо совғалар берилди, нафақадаги ходимларга озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди. Илғор ишчилар ҳам эътибордан четда қолмади. Беморлар ҳолидан хабар олинди. Кон, цех ва мажмуаларда байрам дастурхони ёзилди. Байрам муносабати билан корхонанинг «Машъал» спорт-соғломлаштириш клуби томонидан бир неча спорт турлари бўйича мусобақалар ўтказилиб, ғолиб ва совриндорлар муносиб тақдирланди.

**(Давоми 2-саҳифада).**

## Замон билан ҳамнафас

**Кун сайин чирой очаётган юртимизнинг қайси бир гўшасига борманг, улкан бунёдкорлик ишларининг гувоҳи бўласиз. Қишлоқ жойларидаги аҳоли пунктлари ҳам бундан мустасно эмас. Айниқса, Президентимизнинг 2009 йил 3 августдаги «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш борасида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар самараси юқори бўлмоқда. Фикримизнинг амалдаги исботини Бухоро вилояти мисолида ҳам кўриш мумкин. Мухбиримиз «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компанияси МЧЖ мазкур вилоят филиали директори Рамазон НАРЗИЕВ билан шу ҳақда суҳбатлашди.**

# Намунавий уй-жойлар — қишлоқлар кўрки

— Юртбошимиз томонидан қишлоқ хўжалик ходимларининг турмуш шароитини янада яхшилаш, фаровонлигини таъминлаш, фарзандларимизнинг баркамол вояга етиши, саломатлигини ҳимоя қилиш, сервис хизмати кўрсатиш даражасини ошириш каби муҳим жиҳатларга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда, — дейди суҳбатдошимиз. — «Қишлоқ қурилиш инвест» ихтисослаштирилган шўъба инжиниринг компаниямиз Президентимизнинг «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкил этилган.

***— Ушбу компания ва унинг вилоятлардаги филиаллари зиммасига қандай вазифалар юкланган?***

— Қишлоқ аҳоли пунктларидаги якка тартибдаги янги уй-жойларни «тайёр ҳолда топшириш» шартларида буюртмачи функциясини бажариш, жумладан, молиялашни ташкил этиш ва қурилишнинг бориши устидан техник назорат ўрнатилишини олиб борамиз. Шунингдек, аҳоли буюртмаларига мувофиқ қуриладиган уй-жойларни сифатли қуришни таъминлаб берадиган пудратчи қурилиш ташкилотлари ўртасида танловларни ташкиллаштириш, қурилиши тугалланган уйларни фойдаланишга топшириш каби ишлар асосий вазифаларимиздан саналади.

**(Давоми 2-саҳифада).**

**Ўзбекистон Бадиий академиясининг Икуо Хираяма халқаро маданият карвонсаройида Корея Республикаси профессионал рассомлари ассоциацияси аъзоларининг кўргазмаси очилди.**

# Кореялик мусаввирлар кўргазмаси

«Great Silk Road Tourism» сайёҳлик компанияси ҳамкорлигида ташкил этилган кўргазманинг очилишида тегишли вазирлик ва идоралар, ижодий ташкилотлар, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган дипломатик корпус вакиллари, рассомлар, санъат ихлосмандлари иштирок этди.

Кўргазмада кореялик мусаввирлар томонидан яратилган олтмишдан ортиқ асар намойиш этилмоқда.

**ЎзА**

## Дзюдо

# Полвонларимиз — биринчи!



**«Ўзбекистон» спорт мажмуасида дзюдо бўйича Гран-при туркумидаги халқаро турнир якунига етди.**

Халқаро дзюдо федерацияси (IJF), Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Миллий Олимпия қўмитаси ҳамда юртимиз дзюдо федерацияси ҳамкорлигида мамлакатимизда биринчи бор ташкил этилган мусобақада 150 дан ортиқ полвон ғолиблик учун татамига чиқди.

Биринчи куни беллашувларда терма жамоамиз ғазнасига дастлабки олтин медални Шарофиддин Лутфуллаев (-60 кг.) келтирди. Баҳсларда ўзининг юқори техникасини намойиш этган Мирзоҳид Фармонов (-66 кг.) ҳамда истеъдодли полвонимиз Мирали Шарипов (-73 кг.) ҳам мусобақанинг олтин медалига сазовор бўлди. Қизларимиздан Нодира Гулова (-48 кг.) га бронза медали насиб этди.

Яҳё Имомов (-81 кг.) мусобақанинг иккинчи кунида ғазнамизга яна бир бронза медалини қўшиб қўйди. -90 кг. да ўтказилган баҳсларда полвонларимиз барчадан устун эканликларини амалда исботлади. Бир йўла тўрт вакилимиз — Шерали Жўраев, Дилшод Чориев, Эркин Дониёров, Камолиддин Холматов ярим финалгача бўлган йўлни мағлубиятсиз босиб ўтди. Финалда Эркин Дониёровни енгган Шерали Жўраев ғалаба нашидасини сурди. Дилшод Чориев эса учинчи бўлди.

Қизларимиздан ўн тўққиз ёшли Гулноза Матниёзова (-70 кг.)нинг хатти-ҳаракатлари томошабинларда катта таассурот қолдирди. Шу куни Гулноза Гран-при турнирининг бронза медали соҳибасига айланди.

Беллашувларнинг учинчи кунида тажрибали полвонимиз Соиб Қурбонов (-100 кг.) финалда жамоадоши Рамзиддин Саидов устидан ғалаба қозонди. Оғир — +100 кг. вазнда татамига чиққан Болтабой Болтаев ҳал қилувчи беллашувда германиялик Андре Брейбартга рўбарў келди. Якунда яна бир кумуш медал ғазнамизга қўшилди. Қизларимиздан Санеайим Эркинбаева (+78 кг.) бронза медали билан тақдирланди.

**(Давоми 4-саҳифада).**

"Ishonch" — Сизнинг газетангиз

Нашр индекси — 133

2014 йил учун обуна бўлишни унутманг

Ishonch
2013-yil 8-oktabr № 123 (3316)

# Намунавий уй-жойлар – қишлоқлар кўрки

*(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).*

Ортда қолган қисқа давр мобайнида вилоятимизда намунавий лойиҳалар асосида қишлоқ жойларда якка тартибдаги уй-жойларни қуриш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Чунончи, дастлабки фаолият 2010 йилда мавжуд 11 та туманнинг 19 та массивида 540 та уй-жой қурилиши билан бошланган эди. Кейинги пайтда иш ҳажми ортиб, бултур 32 та массивда 630 та уй-жой қурилди.

***— Ўтган уч йил мобайнида қурилган уй-жойларнинг ҳаммаси ҳам хонадон эгалари билан тузилган шартнома асосида ўз вақтида ва сифатли топширилди, дейишимиз мумкинми?***

— Камчилик-нуқсонлар ҳам бор. Бундай ҳолат Олот, Жондор, Коғон, Пешку, Шофиркон туманларида учрайди. Бунинг сабаблари ўрганилганда маълум бўлдики, қурувчи пудрат ташкилотлари вақтида танланмаганлиги, қурилиш-смета баҳосининг пастлиги, белгиланган ер массивларида мавжуд бино ва иншоотларни бузиш ишлари (снос) маҳаллий ҳокимликлар томонидан амалга оширилмасдан, пудрат ташкилотлари зиммасига юклатилгани, якка тартибдаги қурувчи (фуқаро) томонидан шакллантирилиши лозим бўлган бошланғич ва якуний бадалларнинг вақтида тўланмаётганлиги каби қатор камчиликларга йўл қўйилган. Шунингдек, айрим бош пудрат ташкилотларининг иқтисодий ночор аҳволда қолганига раҳбарларнинг ўз вазифасини бажаришда масъулиятсизлик билан ёндашганликларини ҳам кўрсатиш жоиз.

***— Юзага келган муаммоларни бартараф этиш учун қандай чоралар кўрилган?***

— Ҳозирги кунда ўша қурилиши битказилмаган уй-жойларда хонадон эгалари иштирокида архитектура ва қурилиш давлат инспекция назорати, банк, лойиҳа институтлари ҳамда филиалимиз мутахассислари томонидан нуқсон далолатномалари тузилиб, чала қолган ишлар поёнига етказилмоқда. Бунда ишлаб чиқилган смета ҳужжатлари асосида объектлардаги қолдиқ ишлар ҳажмларини бажариш учун янги пудрат ташкилотлари тайинланиб, мазкур уй-жойларда қисқа муддатларда қурилиш-монтаж ишларини якунлаш учун ҳаракатлар давом эттирилмоқда.

***— Обод турмуш йилида режалаштирилган кенг кўламли ишларнинг бугунги ҳолати тўғрисида нима дейсиз?***

— Гувоҳи бўлганингиздек, намунавий уй-жойларга талаб йилдан-йилга ошиб бормоқда. 2013 йилги Давлат дастури бўйича вилоятда танлаб олинган 33 та массивда 730 та уй-жой қурилиши режалаштирилган. Белгиланган ҳисоб-китобларга кўра мазкур уйларнинг қурилиш қиймати 95 миллиард сўмни ташкил этади. Эътиборлиси, бу йилги қурилиш материаллари таъминотида узлуксизликни таъминлаш ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

Айни кунларда барча ҳудудлардаги уй-жойлар қурилиши якунловчи босқичга кирди. Вилоят бўйича уларнинг тайёргарлик даражаси 90 фоизга яқинлашди. Қоровулбозор туманида режалаштирилган барча қулайликларга эга 25 та намунавий уй-жой муддатидан илгари ўз эгаларига топширилди. Бунда «Сохтимоний рушноий» ва «Абревиатура таъмир савдо» масъулияти чекланган жамиятлари бунёдкорларининг хизматлари катта бўлди. Яқин кунларда Қоракўл, Пешку, Коғон туманларидаги 177 хонадон соҳиблари ҳам ҳовли тўйларини нишонлайди.

Бир сўз билан айтганда, пудрат ташкилотларимизнинг барчаси мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиб, режалаштирилган 730 та уй-жойни белгиланган муддатда, юқори сифат билан эгаларига топшириш учун ғайрат-шижоат кўрсатмоқдалар.

***— Жорий йилги қурилиш объектларида муаммолар йўқми?***

— Баъзи муаммолардан холи эмасмиз. Аммо, улар умумий ишларимизга тўсиқ бўлолмайди ва имкониятларимиз доирасида ҳал этилмоқда. Ўйлайманки, йил бошида белгиланган режалар талаб даражасида адо этилади. 730 та ёш оила йилни янги уйларда кутиб олади.

***— Кейинги йил режаларингиз тўғрисида ҳам гапирсангиз...***

— 2014 йилда вилоятимизнинг қишлоқ жойларида қурилишга талаб янада кўпайганлиги эътиборга олинган. 839 та намунавий уй-жой қурилиши кўзда тутилган. Уларнинг 269 таси Коғон, 270 таси Бухоро ва Ғиждувон ҳамда бошқа туманларда бунёд этилади. Ушбу объектлар қурилиши учун 135 млрд. сўм атрофида маблағ сарфланиши белгиланган. Улкан бунёдкорлик ишларини ҳозирданоқ бошлаб юборганмиз.

**«Ishonch» мухбири Иззатулла ҲОЖИЕВ суҳбатлашди**

## «Эҳтиром» нишони соҳиблари

**Азамат «Бекободцемент» ОАЖ қошидаги «Автосарой»га чилангар бўлиб ишга жойлашганига 23 йилдан ошди. Ҳамон ёдида. Иш бошлаган куни раҳматли отаси Абдумажит ака уни ёнига ўтқазиб деганди:**

**— Ўғлим, менинг ҳам суягим шу корхонада қотган. Бир нарсани ёдингда тут. Қаерда ишласанг, шу жамоага, касбингга кучли меҳр қўй. Ишончни ҳалол меҳнатинг билан оқлашга ҳаракат қил.**

**Азамат корхонада ҳайдовчи, электр цехи чилангари, цех бошлиғи ўринбосари ва бошлиғи бўлиб ишлаган вақтларида ҳам ота ўгитини доимо ёдида тутди.**

**2002 йил унинг ҳаётида унутилмас воқеа содир бўлди. Корхона ишчи-хизматчилари унга катта ишонч билдириб, бир овоздан касаба уюшма қўмитаси раиси этиб сайлашди. Шундан буён ушбу лавозимда фаолият кўрсатиб келмоқда.**

# Ота ўгити тасдиғини топди

— Касаба уюшма ташкилоти етакчиси сифатида ишловчиларнинг дарду қувончига шерик бўлишга ҳаракат қилаяпман, — дейди касабақўм раиси. — Айни вақтда «Бекободцемент» очиқ акциядорлик жамиятида 1978 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда. Уларнинг ҳар бири ўзига хос ёндашувни тақозо этади. Бу ишда қўмита аъзоларидан Шуҳрат Ҳусаинов, Илҳом Ортиқалиев, Абдуазиз Абдусатторов ҳамиша менга кўмакдош.

Маъмурият ҳамда касаба уюшма қўмитасининг ҳамкорликдаги фаолияти натижасида ишчи-хизматчилар учун яхши иш шароити яратилган. Корхона тиббий ёрдам кўрсатиш бўлимида стоматология хонаси рентген мосламаси билан таъминланди ҳамда меҳнаткашларга янада қулайлик туғдириш мақсадида УЗИ мосламаси ишга туширилди.

Ёлғиз пенсионерлар ҳамда кам таъминланган оилалар ҳам касаба уюшма қўмитасининг доимий эътиборида. Яқинда бошланғич ташкилот томонидан улардан 120 нафарига моддий ёрдам тариқасида озиқ-овқат маҳсулотлари ажратилди, ишчи-ходимларнинг мактабга илк қадам қўйган 127 нафар фарзанди ўқув қуроллари билан таъминланди.

Корхонада ҳомийлик ёрдами кўрсатиш яхши анъанага айланган. Масалан, оталиқдаги «Цементчи» маҳалласига байрам тадбирларини ўтказиш учун маъмурият ҳисобидан 2 млн. сўм ажратилди. Янги иш ўринлари очилишига ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Байрам арафасида корхона ҳудудида нон ва нон маҳсулотлари тайёрлаш бўлими ишга туширилди. Ушбу кичик корхона замонавий жиҳозлар билан таъминланди ва натижада олти нафар ёш иш ўрнига эга бўлди.

— Меҳнаткашларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш учун турли спорт мусобақалари ўтказиб келаяпмиз, — дейди касабақўм раиси. — Жумладан, корхонамизга қарашли «Цементчи» ўйингоҳида спортнинг 5 тури бўйича спартакиада бўлиб ўтди. Тадбирда 200 нафардан зиёд ишчи-ходим иштирок этди. Ғолиблар бошланғич ташкилотимиз томонидан қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. Спорт билан ошно бўлиш кишига соғлик бағишлайди, бунинг устига иш самарадорлиги ошади. Шу боисдан ҳам бундай мусобақаларни тез-тез ўтказишга ҳаракат қилаяпмиз.

Мустақиллигимизнинг 22 йиллиги муносабати билан 31 нафар киши Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг «Эҳтиром» нишони билан тақдирланди. Улар орасида «Бекободцемент» очиқ акциядорлик жамияти касаба уюшма қўмитаси раиси Азамат Худоёров ҳам борлиги жамоани тўлқинлантириб юборди. Демак, ота ўгити ҳаётда тасдиғини топди. Бу лавозим инсонни эмас, балки инсон лавозимни безашининг ўзига хос инъикоси бўлди.

**Неъмат РАФИҚОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

## Бор бўл, оқибат!

**Кейинги йилларда соғлиқни сақлаш тизимида профилактика чора-тадбирларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Республика Саломатлик ва тиббий статистика институти Хоразм вилоят филиали шифокорлари нажот излаб келган беморнинг дардига дармон улашиш билангина чекланиб қолмай, аҳоли ўртасида кенг миқёсда тарғибот-ташвиқот ишларига ҳам зўр бераётир. Айниқса, Соғлиқни сақлаш вазирлиги фармойиши асосида ҳар ойнинг иккинчи ҳафтасида «Саломатлик ҳафталиги» ташкил этилаётгани ҳамда тадбир доирасида малакали мутахассислардан иборат гуруҳ чекка қишлоқлар аҳолисини чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказаётгани самарали бўлмоқда. Бу кўплаб касалликларни бирламчи босқичда аниқлаш ва даволаш имкониятини яратаяпти.**

# Меҳр ва эътибор

Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси фармойиши асосида сентябр ойининг дастлабки ҳафтасида ташкил қилинган акция Гурлан, Шовот, Қўшкўпир, Янгиариқ туманларининг энг чекка қишлоқларини қамраб олди. Тадбир доирасида 1200 га яқин фуқаро тиббий кўрикдан ўтказилди. Уларнинг 1155 нафарига амубулатор шароитда, 1038 нафарига стационар шароитда даволаниш тавсия қилинди.

Гурлан тумани «Шоликор» қишлоғи «Янгиобод» ҚВПда яшовчи 214 нафар фуқаро кўрикдан ўтказилди. Уларнинг 202 нафарига амбулатор, 12 нафарига стационар шароитда даволаниш тавсия қилинди.

Шовот туманидаги «Ибн Сино» ҚВПда ҳам 306 нафар фуқаро кўрикдан ўтказилди.

— Истиқлол туфайли аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифати ва самарадорлиги тубдан ошганидан мамнунмиз, — дейди Фароғат Давлетова. — Қишлоғимиздаги врачлик пункти ҳам зарур тиббий жиҳозлар билан таъминланган. Мутахассислар тез-тез хонадонимизга келиб, суҳбатлар ўтказади. Қўшкўпир туманидаги «Уйғур» ҚВПда истиқомат қилувчи аҳоли шифокорлар қабулида бўлди.

— Овқат ҳазм қилишим бироз қийинлашганди. Туман марказига боришга фурсат тополмаётгандим. Шифокорларнинг ўзлари келиб қолишди. Уларга минг раҳмат, қунт билан текшириб, маслаҳатларини беришди, — дейди Ҳаётхон Ражабова. — Менга жигар ёғли гепатози ташхиси қўйилди ва қандай муолажа олишим кераклиги тушунтирилди.

Янгиариқ туманидаги Чиқирчи қишлоғи аҳолиси ҳам тиббий кўрикка жалб қилинди. Кўрикдан ўтган 332 фуқарога тегишли тавсиялар берилди.

— Ёшим етмиш иккида. Болалигимиз уруш даврига тўғри келган. Ўша замонларда тиббий хизматнинг аҳволи оғир эди. Мустақиллик йилларида аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш масаласига алоҳида эътибор қаратила бошланди. Буни наинки шаҳар, қишлоқ аҳли ҳам яқиндан ҳис қилиб турибди, — дейди Ботир ота Саидов.

Истиқлолнинг илк кунларидан бошлаб миллат саломатлигини муҳофаза қилиш давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бирига айланиши натижасида аҳолининг ўртача умр кўриши сезиларли даражада ошганлиги, турли юқумли касалликларга чалиниши кескин камайганини алоҳида эътироф этиш жоиз. Оналик ва болаликни муҳофаза қилишнинг «Ўзбек модели» жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олингани биз шифокорларни ҳам мамнун қилди. Истиқлол йилларида луғатимизга репродуктив саломатлик атамаси кириб келди. Эндиликда ёш авлоднинг ҳам маънан, ҳам жисмонан соғлом бўлиб вояга етишини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар янада кучайтирилмоқда.

Соғлом турмуш тарзи тамойиллари кенг омма онгу-шуурини эгаллаб олаётгани энг муҳим ютуқларимиздан бири бўлмоқда.

**Қўшназар НАЗАРОВ,**
**Республика саломатлик ва тиббий статистика институти Хоразм вилоят филиали директори**



Андижон вилояти Шаҳрихон туманида 2005 йилда иш бошлаган «Рашк милк» масъулияти чекланган жамияти ҳам ўтган йиллар давомида фаолиятини кенгайтирди. 20 киши билан иш бошлаган корхонада айни пайтда 150 нафардан ортиқ киши меҳнат қилмоқда. Жамиятнинг Бўз туманидаги сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхонасида меҳнат қилаётган 100 га яқин ишчининг аксариятини қишлоқ ёшлари ташкил этади.

Корхона маҳсулотлари ўзининг сифати ва арзонлиги билан аллақачон харидорини топиб улгурган. Туманга сут маҳсулотлари илгари асосан вилоят марказидан келтирилган бўлса, эндиликда шу ернинг ўзида нисбатан арзон нархларда аҳолига таклиф этилмоқда. Айни пайтда корхонада қатиқ, маргарин, пишлоқ, қаймоқ, музқаймоқ сингари 20 дан ортиқ турдаги маҳсулот тайёрланмоқда.

***Суратда:*** *корхона технологи Нўъмонжон Ҳошимов.*

**Хурсандбек АРАББОЕВ (ЎзА) олган сурат**

# «Муборакнефтгаз» — Обод турмуш йилида

*(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).*

Таъкидлаш жоизки, корхонада ёшлар ва хотин-қизларга алоҳида эътибор кўрсатилади. Жумладан, ҳар йили ўнлаб ёшлар корхона ҳомийлигида қурилган янги уй-жойларни имтиёзли равишда сотиб олишмоқда. Тажрибали мутахассислар ёш ҳамкасбларининг иш ўрганишига яқиндан кўмак беришаётир. Айниқса, сўнгги йилларда тармоқ тизимидаги касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртлари битирувчиларининг корхонада амалиёт ўташи ҳамда иқтидорли ёшларни ишга қабул қилиш ишларига жиддий эътибор берилган. Амалиёт даврида битирувчилар махсус кийим-бош ҳамда маош билан таъминланаяпти.

Ёшларни Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, тарихимизни чуқурроқ билишига эришиш ҳамда мазмунли ҳордиқ чиқариши учун мамлакатимизнинг гўзал гўшаларига саёҳатлар ташкил этилмоқда. Хусусан, Обод турмуш йилида 300 нафар ходим Тошкент, Самарқанд ва Бухоро шаҳарларига олиб борилди. Шунингдек, ўтган тўққиз ойда 400 нафар ишчи-ходим республикамизнинг турли сиҳатгоҳларида саломатлигини тиклади.

### УЛАР — КЕЛАЖАК ЭГАЛАРИ

Юртимизда келажагимиз эгалари бўлган ўғил-қизларнинг ёзги таътилни мароқли ўтказишига долзарб масала сифатида қаралади. «Муборакнефтгаз» УШКда ҳам бу борада тадбирлар режаси тасдиқланиб, мавсумга жиддий ҳозирлик кўрилди. Корхонага қарашли «Ёш алангачи» болалар оромгоҳи Китоб туманида жойлашган бўлиб, жорий йилда ҳам ушбу масканда таъмирлаш, ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Тарбиячи ва етакчиларнинг махсус танлов асосида саралаб олингани эса болажонларнинг оромгоҳдаги ҳар бир кунини сермазмун ва унутилмас тарзда ўтишини таъминлади. Режадаги 2800 нафар ўрнига 2964 нафар ўғил-қиз гўзал масканда мириқиб ҳордиқ чиқарди.



— Корхонамиз Китоб туманидаги 5-Меҳрибонлик уйи ҳамда шу тумандаги «Гўдаклар уйи»ни оталиққа олган, — деди биз билан суҳбатда «Муборакнефтгаз» УШК бошлиғи Шермат Шамсиев. — Ёзги мавсумда Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари тўлиқ соғломлаштирилди. Бундан ташқари, кам таъминланган оилалар фарзандларига алоҳида эътибор қаратилди. Оромгоҳда Обод турмуш йилига бағишлаб турли спорт тадбирлари ҳамда маданий-маърифий дастурлар мунтазам ўтказилиб, келажак эгаларининг хурсандчилигига ҳисса қўшилди.

Болажонларимиз мириқиб ҳордиқ чиқаргач, 1000 нафарга яқин ишчи-ходим навбат асосида беш кун давомида хушҳаво «Ёш алангачи» масканида саломатлигини тиклади. Келажакда оромгоҳдаги шароитни янада яхшилаш, кенгайтириш режалари тузилган.

### СПОРТ — САЛОМАТЛИК, ЗАФАРЛАР ОМИЛИ

Корхонанинг «Машъал» спорт-соғломлаштириш клуби бир неча йилдан буён ходимларнинг бўш вақтида жисмоний тарбия билан шуғулланиши, турли спорт тадбирларида фаол иштирок этиши учун самарали фаолият кўрсатиб келаяпти. Корхона ходимларидан тузилган мини футбол жамоасининг қарийб ўн йил давомида тармоқ спартакиадасининг ғолиби бўлгани ҳам сўзимиз исботи. Бундан ташқари, Комилжон Ягмиров оиласи «Отам, онам ва мен» оилавий спорт мусобақаларида бир неча бор зафар қучган. Асосийси, барча цех ва мажмуаларда спорт майдончалари мавжуд бўлиб, улар доим гавжум. Сифатли спорт анжомлари муҳайё қилингани ишга профессионал тарзда ёндашилаётганининг бир кўриниши...



Бундан ташқари, корхона Муборакнинг «Машъал» футбол клубининг бош ҳомийси ҳам ҳисобланади. Асосан маҳаллий ёшлардан ташкил топган жамоа айни пайтда Ўзбекистон чемпионати 1-лигасидаги ўйинлари билан ишқибозларни хушнуд этиб, яна олий лигага қайтди. Бир неча йилдан буён фаолият юритаётган «Машъал» футбол академияси аллақачон ўз самарасини кўрсатаяпти. Сўнгги йилларда ўтган ўсмирлар ўртасидаги Жаҳон ва Осиё чемпионатларида «Машъал» академиясининг бир неча ўйинчиси терма жамоамиз сафида муваффақиятли тўп сургани ҳам қалбларни ифтихорга тўлдиради. Демак, ўзбек футболининг обрўсига янада обрў қўшишда Муборакдаги футбол академиясининг улуши ҳам бўлади, дейишга асос етарли.

### ЁРДАМЧИ ХЎЖАЛИКЛАР

Корхона қошида янги иш ўринлари яратиш мақсадида бир қатор ёрдамчи хўжаликлар фаолияти йўлга қўйилган. Хусусан, касаначилик цехида ишчи-хизматчиларга махсус кийимлар, кўрпа-тўшак, чойшаб ва бошқа қатор маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Бундан ташқари, Шаҳрисабз туманида 50 гектар ерда ташкил қилинган интенсив боғ бу йил ҳосилга кирди. Чорвачилик, паррандачилик, деҳқончилик, асаларичилик каби хўжаликларда етиштирилган озиқ-овқат маҳсулотлари ишчиларга арзон нархларда сотилаяпти.

### ҲАР ЖАБҲАДА НАМОЁН

Корхонада инсон манфаатлари устувор экани, ходимларга бўлган эътибор ҳар жабҳада намоён бўлиши эътирофга лойиқ.

Яқинда Болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш бўйича Республика мувофиқлаштирувчи гуруҳи томонидан жорий йил ёзги мавсумида болаларни дам олдириш ва соғломлаштиришга қўшган катта ҳиссаси ҳамда фаол иштироки учун «Муборакнефтгаз» УШК бошлиғи Шермат Шамсиев «Энг масъулиятли ташкилотчи» номинацияси бўйича тақдирланди. Эътибор ва эътироф эса корхона маъмурияти, касаба уюшма қўмитаси ва меҳнатсевар жамоани янги-янги ютуқлар сари бошлайди, албатта.

**Акмал АБДИЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**

**Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Оила кодекси оилада ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи асосий ҳуқуқий ҳужжатлар ҳисобланади. Шу билан бирга, Президентимизнинг соҳага оид қатор Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, кўплаб меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар мавжуд.**

# Муқаддас маскан

Мустақиллик йилларида давлат ва жамият таянчи бўлган оила институтига ҳукуматимиз томонидан жиддий аҳамият қаратилмоқда. Оила қуриш ниятидаги фуқаролар даставвал Оила кодексининг 17-моддаси, шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган «Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисида»ги Низомга амал қилишлари кўзда тутилган. Чунки никоҳланувчи шахслар турмуш қуришдан олдин бир-бирининг соғлиғидан хабардор бўлиши лозим. Бу оилада соғлом фарзанд туғилиши ва соғлом муҳит қарор топишига имкон яратади.

Ҳозирда ёшлар тиббий кўрикнинг мазмун-моҳиятини тўла англаган ҳолда, саломатлик ва ўзаро ишончга асосланиб турмуш қуришмоқда. Бу ҳолни «Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисида» ва «2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»ги Қарорлар моҳиятини аҳоли тўғри англаб етганлиги, бу борадаги маънавий, маърифий, ижтимоий-сиёсий қарашлар юксалаётганлигида дея изоҳлаш мумкин.

Амалдаги қонунлар мазмун-моҳиятини аҳолига тушунтириш, уларнинг оила қонунчилиги бўйича ҳуқуқий ва тиббий саводхонлигини ошириш борасида Адлия бошқармаси ва унинг қуйи тизимлари қатор тарғибот тадбирларини ўтказиб келмоқда. Бу тадбирлар оила қурувчи ёшларнинг ҳуқуқий, тиббий билимларини ошириш, хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоялаш, уларнинг оилавий ҳаётга кўникма ҳосил қилишларига хизмат қилмоқда. Жумладан, соҳа ходимлари томонидан «Оила — муқаддас даргоҳ», «Оила — муҳаббат қасри», «Соғлом она — соғлом бола», «Тиббий кўрикнинг афзаллиги, эрта ва қариндошлар ўртасидаги никоҳ, уларнинг салбий оқибатлари», «Сиз турмуш қуришга тайёрмисиз?» каби мавзуларда ўтказилган тадбирлар шу жиҳатларни қамраб олган. Аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, тиббий маданиятини ошириш ва соғлом оилани шакллантиришга қаратилган тадбирларда ФҲДЁ бўлимлари, Хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ЁИҲ, халқ таълими, маҳалла, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари ва кенг жамоатчилик қатнашиб келмоқда.

Турмуш қураётган ёшларга оила сирлари, соғлом фарзанд туғилиши ва унинг тарбияси, тиббий маданиятнинг аҳамияти каби муҳим масалалар юзасидан тушунтиришлар берилмоқда. Зотан, бу тадбирлардан олган билимлари уларнинг келажакда соғлом оила қуриш, унинг мустаҳкамлигини таъминлашда ижобий самара бериши шубҳасиз.

**Дилноза ЗУЛУНОВА,**
**Тошкент шаҳар Марказлашган ФҲДЁ архив мудираси**



# *Оила — бахт кўргони*

**Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга. Никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлилигига асосланади.**

*Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 63-моддаси.*

**Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида оилавий муносабатларни мустаҳкамлаш, уларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги ролини ошириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.**

# Эр-хотин мулки

## унинг шартномавий тартиби қандай бўлади?

Истиқлол йилларида оиладаги шахсий ва мулкий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш бўйича қонунчилик базаси яратилди. Жумладан, Оила кодексининг VI боби «Эр ва хотин мол-мулкининг шартномавий тартиби»га бағишланган. Ушбу кодекснинг 29-моддасига биноан эр ва хотиннинг никоҳда бўлган даврида ёки эр ва хотин никоҳдан ажралган тақдирда уларнинг мулкий ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларини белгиловчи келишуви никоҳ шартномаси деб ҳисобланади. Илгари амалда бўлган Оила қонунчилигида эр-хотинларнинг фақат қонуний (расмий) мулк тартиби маълум эди. Ҳозирги вақтда қонуний мулк тартибини сақлаб қолиш билан бирга мулкнинг шартномавий тартибига ҳам ўрин берилди. У «Никоҳ шартномаси» деб юритилади.

Оила кодексининг 30-моддасида никоҳ шартномасини тузиш тартиблари белгилаб берилган. Никоҳ шартномаси ёзма шаклда тузилади ва нотариал тартибда тасдиқланиши лозим. Никоҳ шартномаси никоҳ давлат рўйхатига олингунига қадар ҳам, шунингдек, никоҳ даврида ҳам тузилиши мумкин. Шартнома тузишга мажбур қилишга йўл қўйилмайди. Тарафларнинг хоҳишлари билан никоҳ шартномасининг шартлари белгиланади. Аммо шартнома тузиш вақтида амалдаги қонун томонидан ўрнатилган талабларнинг бажарилишига риоя қилиш керак бўлади.

Агар эр (хотин) муомала лаёқатига эга бўлмаса, у ҳолда никоҳ шартномасини унинг номидан ҳомийси тузади. Ушбу ҳужжат эр-хотиннинг келишуви билан исталган вақтда ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин. Никоҳ шартномаси қандай шаклда тузилган бўлса, унинг ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши ҳам шу тарзда амалга оширилади.

Никоҳ шартномасини бажаришдан бир томонлама бош тортишга йўл қўйилмайди. У эр-хотиндан бирининг талаби билан Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида белгиланган асослар ва тартибда суднинг ҳал қилув қарори билан ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин.

Шунингдек, Оила кодексининг 36-моддасида эр-хотин ўртасидаги мулкий шартномавий муносабатлар кўрсатиб берилган. Эр-хотин қонунда йўл қўйиладиган барча мулкий шартномавий муносабатларга ўзаро киришишга ҳақлидир. Эр-хотин ўртасида тузилган, улардан бирининг ҳуқуқларини чеклашга қаратилган келишувлар ҳақиқий ҳисобланмайди. Эр-хотин қонунда йўл қўйиладиган барча мулкий шартномавий муносабатларга ўзаро киришишга ҳақлидир. Бу ҳуқуқнинг аниқ амалга оширилишини таъминлашда уларнинг мулкий жиҳатдан мустақил бўлишлари муҳим аҳамиятга эга. Эр-хотин ўзаро олди-сотди, айирбошлаш, ҳадя, қарз шартномаларини тузишлари мумкин. Эр-хотин ўртасидаги ҳамма шартномалар ҳам фуқаролик қонунлари талаб қилган шаклда расмийлаштирилиши лозим. Шартномаларнинг мазмуни амалдаги қонунларга риоя қилинган ҳолда тузилиши керак, акс ҳолда, улар ҳақиқий ҳисобланмайди. Эр-хотиннинг қонуний ҳуқуқларини шартномалар асосида чеклашга йўл қўйилмайди. Бунга қаратилган ҳар қандай шартномалар ғайриқонуний ҳисобланади ва ҳақиқий саналмайди.

**Ш.БОЛТАЕВА,**
**Ҳазорасп тумани ФҲДЁ бўлими мудираси**

**Тинчлик барқарор бўлган юртимизда турли миллат вакиллари эмин-эркин ҳаёт кечирмоқда. Миллий ва умумбашарий қадриятлар улуғланиб, ранг-баранг тадбир ва байрамлар кенг миқёсда нишонланаяпти. Буларнинг бари халқимизнинг турмуш фаровонлиги, юртимиз равнақидан далолат беради. Лекин баъзи ҳолларда миллий урф-одатларимиз, азалий анъаналаримизга зид равишда тўй ва маросимларда ортиқча манманлик, дабдабабозлик, исрофгарчиликка йўл қўйилаётгани кишини ўйга толдиради.**

# Қадриятларимиз кўзгуси

Бугунги кунда маҳаллаларнинг тўй-ҳашам, маросиму маъракаларни ўтказишдаги саъй-ҳаракатларини эътироф этиб ўтиш лозим.

Таъкидлаш жоизки, фуқаролар йиғинлари кенгашлари қошида тузилган комиссиялар томонидан маҳаллаларда ўтказиладиган тўй-ҳашам ва маросимларни тартибга солиш борасида ташкилий ишлар назоратга олинган бўлиб, белгиланган режага биноан Янгиер шаҳар ФҲДЁ бўлими ҳамда ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари ҳамкорлигида жорий йил бошидан буён «Шодлик», Абдураҳмон Жомий номли маҳаллаларда, Янгиер педагогика касб-ҳунар ҳамда тиббиёт коллежларида давра суҳбатлари ва тушунтириш ишлари олиб борилди.

Аммо янги фарзанд дунёга келганида қовурдоқ, ақиқа, бешик тўйи, хатна тўйи каби маросимлар ҳалигача дабдабали ўтказиб келинаётгани ажабланарли. Айниқса, туғруқхонадан хорижий машиналар, қўша-қўша видеокамералар билан чақалоқни олиб чиқиш ҳолатлари қуюшқонга сиғмай қолди.

Ўтганларнинг хотирасига бағишланган маъракаларни ҳам дабдабали равишда ўтказиш ота-боболаримиздан қолган миллий расм-русумларимизга путур етказиши, муқаддас анъаналаримизни обрўсизлантиришга олиб келиши мумкин. Ачинарли томони шуки, бундай хўжакўрсинлик одатлари ёшларимиз тарбиясига салбий таъсир кўрсатмоқда. Бугунги кунда маҳалла фуқаролар йиғини вакили ва имом хатиблар биргаликда мусибат тушган хонадонларда маъракаларни ихчам ва дабдабасиз ўтказиш тўғрисида кўрсатмалар бериб келишаётир. Шу сабабли пайшанбалик ва якшанбалик номи билан қилинаётган маросимлар йўқолиб, етти, йигирма, қирқ каби маросимлар ўрнига оила иқтисодига зарар етказмайдиган ҳолатда бир марта эҳсон тарзида маросим ўтқазиш йўлга қўйилмоқда.

Лекин бир ачинарли ҳолат ҳақида гапирмай иложимиз йўқ. Норасмий имомлар томонидан қонуний никоҳ қайд этилмаган ва тиббий кўрикдан ўтмаган фуқароларга шаърий никоҳ ўқилиши ҳам, афсуски, кузатилаяпти. Натижада, қариндош-уруғлар ўртасида оила қуриш ва қизларни вояга етмасдан турмушга бериш ҳолатлари учрамоқда.

Тўй-ҳашам ва маросимларимизни тартибга солишда маҳаллаларнинг ўрни ва мавқеи алоҳида ўрин тутади. Халқимизда «Маҳалла — отанг, онанг» деган ҳикматли гап бежиз айтилмаган. Ушбу йўналишда қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, қонуности ҳужжатлари, тавсиялар, йўриқномалар ишлаб чиқилган бўлиб, айни соҳада фаолият олиб борувчи ташкилот ва мутасаддилар учун тайёр қўлланма вазифасини ўтайди. Шунинг учун ҳам, айнан маҳалла, жойлардаги милиция таянч пункти ҳамда ФҲДЁ бўлимлари тўй-ҳашам ва маъракаларни тартибга солиш, меъёрлаштиришнинг энг асосий кучига айланиши керак.

**Р. БОТИРОВА,**
**Янгиер шаҳар ФҲДЁ бўлими мудираси**

# Қуш уясида... нима бор?

**Тарбия деган масъулиятли сўз, сиз билан бизнинг сирларимизни фош этиб қўювчи бир восита десам, муболаға бўлмайди. Чунки унинг замирида бизнинг ахлоқ ва одоб меъёрларимиз яширинган.**

Тарбия оиладан бошланади. Шундай экан, биринчи ўринда, боланинг тарбиясида оила муҳитини мустаҳкамлаш керак бўлади. Бу фарзанд туғилмасидан бошланмоғи лозим. Ҳомиладор аёлнинг кайфияти яхши, асаблари тинч, истеъмол қиладиган таомлари бола организми учун фойдали бўлса, нур устига аъло нур. Оғир меҳнатга мажбурлаш, хўрлаш, ҳатто унга қўл кўтариш боланинг касалманд, ногирон ва жиззаки бўлиб туғилишига олиб келади.



Тўғри, ҳеч бир ота-она фарзандига ёмонлик тиламайди. Лекин вақтида меҳр беришни билмаса, фарзанди турли хил йўлларга кириб қолиши мумкин. Бундай ҳолда ота-онамнинг мен билан иши йўқ, билиб ўтирибдими, деган тушунча бола онгига сингиб қолиши бор гап.

Уяли телефон деган алоқа воситаси бугун бизга катта хизмат кўрсатмоқда. Ишларимизни эмин-эркин, осон битирмоқдамиз. Лекин зарарли томонлари-чи? Айниқса, мактаб ўқувчисига унинг нима кераги бор? Телефонда барчамизга маълум интернет хизмати мавжуд. Лекин ўқувчи ундан қай мақсадда фойдаланади, кимлар билан дўстлашиб, учрашади. Яхши ўқиб, билим олиш ўрнига дарсда устозига сездирмай телефон ўйнаб ўтирса...

Бу ҳақда гап кетганда, кўпчилик ота-оналар телефонни боласидан хабардор бўлиб туриш учун олиб беришганини айтишади. Кошки, бола буни тушунса! Дарсда ўқитувчи ёниб-куйиб мавзуни ўтса-ю, ўқувчи телефон жодусига сеҳрланиб ўтирса... Бир ўқувчи бемаъни иши билан бутун синфнинг диққатини бўлиши, чалғитиши мумкин. Натижада, ўқитувчи фикридан чалғийди, дарс бузилади. Оқибати эса маълум.

Ота-она ўртасидаги ўзаро ҳурмат меҳр-оқибат, ҳалоллик, поклик, меҳнатсеварлик, инсонпарварлик каби олиймақом қадриятлар она сути, оила аъзоларининг меҳр-эътибори билан бола онгига сингийди. Халқимиз «Қуш уясида кўрганини қилади», деб бежизга айтмаган. Демак, фарзанд тарбиясида оила ва ота-онанинг ўрни беқиёс.

**Дилдора МИРЗАМАТОВА,**
**Фарғона тумани «Чимён» санаторийси кутубхона мудираси**

## Қонун кучга кирди

**Республикамиз тиббиёт тизимида аҳолига кўрсатилаётган эътиборнинг амалий ифодасини муҳтарам Юртбошимиз томонидан имзоланган «Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик (ОИВ инфекцияси) тарқалишига қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни мисолида ҳам кўриш мумкин. Қонун 23 сентябрдан эътиборан расман кучга кирди.**

# ОИТСга қарши кураш талаблари кучайтирилади

Таъкидлаш жоизки, тиббиёт тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида юртимизда соғлиқни сақлашнинг миллий модели вужудга келди. Бу, ўз навбатида, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатининг ошишига ва аҳоли саломатлиги кўрсаткичлари ҳамда турмушининг яхшиланишига олиб келмоқда. Шу маънода, соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишга доир чора-тадбирларнинг изчил амалга оширилиши туфайли аҳоли саломатлигини сақлашнинг мустаҳкам норматив-ҳуқуқий асоси шаклланди, тиббий хизмат кўрсатишнинг яхлит ташкилий тузилмаси яратилди. Шунингдек, аҳолини турли юқумли касалликлардан ишончли ҳимоя қилиш, улар ижтимоий хасталикларга чалиниб қолмасликлари учун амалий чора-дастурларни қўллаш бугунги кунга келиб янада кучайтирилди.

Албатта, ижтимоий касалликлар қаторида ОИВ/ОИТС хасталиги тобора авж олиб бораётган глобал муаммолардан бири ҳисобланади. ОИТС аҳолининг меҳнатга қобилиятли қисмини зарарлаши, касалликка чалинганларни ижтимоий ҳимоя қилиш мажбурияти ва унга кетадиган сарф-харажатларнинг катталиги, шунингдек, мамлакатнинг демографик ҳолатига таъсир қилиш орқали иқтисодий тараққиётга хавф туғдиради, миллий тараққиёт ва барқарорликка ҳам салбий таъсир кўрсатади.

Эътироф этиш керак, ушбу касалликнинг олдини олиш борасида мамлакатимизда қатор тизимли ишлар олиб борилмоқда. Соҳага оид барча муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш масаласи босқичма-босқич такомиллаштирилмоқда. Айниқса, ОИТСга қарши кураш марказларининг моддий-техник базаси йилдан-йилга мустаҳкамланиб, мазкур йўналишда янги диагностика ва даволаш услублари татбиқ этилаётганлиги, шунингдек, қон хизмати хавфсизлигини таъминлаш бўйича кенг қамровли ишлар бажарилаётганлиги эътиборга молик.

Маълумки, бугунги кунга келиб, халқаро миқёсда ОИВ касаллиги тарқалишига қарши кураш масаласига ёндашувлар кескин ўзгарди. Мамлакатимизда тегишли чора-тадбирлар амалга оширилаётганлиги боис ушбу касаллик стабиллашувига эришилган бўлса-да, чегарадош мамлакатлар, айниқса, Афғонистон орқали ноқонуний наркотрафик вазиятнинг хавфи юқори бўлганлиги, чегараларимиз очиқлиги, сайёҳлар сони ошиши, миграция эркинлиги бу масалага кўпроқ эътибор қаратишни тақозо этмоқда. Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик тарқалишига қарши курашиш бўйича ҳуқуқий муносабатлар давлат томонидан тартибга солиниши, касаллик юқтириб олган шахсларга тиббий ёрдам кўрсатиш, инфекцияни юқтирганлиги учун жавобгарликни такомиллаштириш, инфекция тарқалишига қарши кураш фаолиятини олиб борувчи давлат идоралари ваколат ва вазифалари, бу борада ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотларининг иштирокига оид масалаларни қайта кўриб чиқиш зарурати вужудга келди.

Айтиш мумкинки, давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 26 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасида ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши кураш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори юқоридаги қонуннинг қабул қилинишига ҳуқуқий асос бўлди.

Амалда бўлган 1999 йил 19 августдаги «Одамнинг иммунитет танқислиги вируси билан касалланишининг олдини олиш тўғрисида»ги қонун ОИТС билан касалланишнинг олдини олишга қаратилган бўлса, имзоланган қонунда одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик тарқалишига қарши курашиш бўйича муносабатлар тартибга солинган. Инсон ҳуқуқлари таъминланишини ифода қилувчи тегишли халқаро ҳужжатларда белгиланган касалликка чалинганларнинг шахсий ҳаётига оид маълумотларнинг махфийлигини сақлашга оид қоидаларга риоя қилиш ҳақидаги талабларга кўра қачон ихтиёрий тиббий текширувдан ўтиш мумкинлиги, шарт эканлиги ёки шахснинг тиббий текширувдан мажбуран ўтказилиши ҳақидаги қоидалар амалдаги қонунда белгиланмаган бўлса, эндиликда ушбу муносабатларнинг ҳуқуқий асосини яратиш назарда тутилмоқда.

Қонунда, шунингдек, Ўзбекистон ва чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахсларда ОИВ касаллиги аниқланган тақдирда махфийликка амал қилган ҳолда ихтиёрий равишда яширин ёки ошкора тиббий текширувдан ўтиши, ОИВ тасдиқланса, оқибатлари, яъни улар қон ва бошқа биологик суюқлик, органлар ва тўқималарнинг донори бўла олмаслигини белгилаш кўзда тутилган.

Ушбу қонуннинг яна бир жиҳати шундаки, ОИВ юқтириб олган шахсларга тиббий ёрдамни ташкил қилиш, ўз хизмат вазифаларини бажараётганда инфекцияни юқтириб олиш хавфи остида бўлган тиббиёт ходимларининг ижтимоий муҳофазасини белгилаш, ОИВ юқтириб олганлар ҳуқуқи чекланишига йўл қўймаслик масалалари ўз ечимини топган. Бу борада аҳолининг мазкур касаллик бўйича тиббий билимларини ошириш ҳамда жамоатчилик орасида тарғибот ишларини кучайтириш бугунги кундаги асосий вазифамиздир.

ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш бўйича тадбирларни молиялаштириш ҳуқуқий асосини белгилаш мақсадида қонунда давлат бюджети, шунингдек, қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга ошириш белгиланмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, қабул қилинган мазкур қонун ОИТС хасталигига чалинган беморларнинг ҳуқуқлари қонуний ҳимоя қилинишига, касаллик тарқалиши бўйича эпидемиологик ҳолатнинг яхшиланишига ҳамда унга қарши курашиш самарадорлигини янада оширишга хизмат қилади.

**Олим ЎСАРОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати**

